# Уйғоқ сўз қудрати

## Расмийлик ва самимийлик мувозанати

*«Халқ сўзи» ва «Народное слово» ҳақида сўз борганда, газета жудаям расмий-да, деган таъна қулоққа чалинади. Бундай эътирознинг асоссизлиги шундаки, республикадаги икки олий маҳкама муассислигидаги газета расмий бўлмаслиги ҳам мумкин эмас-да! Эътирознинг асосли жиҳати эса, бундай мулоҳаза тарафдорлари ҳақли равишда газета чиқишларида самимийлик кўпроқ бўлишини талаб қиладилар.*

*Тўғри, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришни ҳар ким ўз тушунчасидан келиб чиқиб, турлича талқин этади. Ҳамонки, «эркинлаштириш» сўзи моҳиятида янгиликдан оммани тўла-тўкис хабардор қилиш, аҳолининг барча табақа вакиллари тушунадиган тилда ёза билиш назарда тутилар экан, демак, эркинлаштиришни — самимийлаштириш дея талқин этиш ҳам мумкин. Негаки, энг самимий тил — халқона тил!*




**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси.**

Фақат, шуни ҳам унутмаслик керакки, матбуотда самимийликка эришиш йўли ҳам осон кечмайди. Хусусан, қонун чиқарувчи олий маҳкама ва ҳукумат даражасида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни халққа етказиб бериш, етказганда ҳам унинг онгу шуурига сингадиган таъсирчан мақомларда узата билиш журналистдан катта тажриба, мустаҳкам билим ва ўзида синчковлик ва ҳушёрликни мужассам этган ижодий маҳоратни талаб қилади.

Самимийликни саёзлик, жўнлик даражасига тушириш ҳам ярамайди. Зеро, Олий Мажлис фаолияти бўладими, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари бўладими, республика Президентининг Фармонларини оммалаштириш зарурати туғиладими, бундай вазифаларни зиммасига олган журналист зинҳор масъулиятни унутишга ҳаққи йўқ. Токи, у қоғозга тушираётган ҳар бир сўзининг, жумласининг залворини, аксадосини аввалданоқ ўзи тўла-тўкис идрок этмоғи зарур.

Хўш, шундай вазифани уддалаш осонми? Осон эмас. Ҳам ижтимоий-сиёсий масъулият юкини зиммага олгани ҳолда, ҳам янгиликни кенг халқ оммасига мақбул даражада баён эта билиш мақомидаги эркинликка эришиш учун журналистга катта тажриба, иқтидор ва маҳорат керак.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» 10 йилдирки, мана шу ғоятда масъулиятли, шарафли вазифани уддалаб келмоқда.

Ижод, ўз номи билан ижод. Шундай ҳолатлар юз берадики, журналистнинг қалами ҳатто унинг ўзига бўйсунмайди. У ёзган мақола ё шарҳ, хабар ё суҳбат ўта расмийлашиб кетиши ҳам, ўта саёзлашиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Разм солиб қаралса, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» ижодкорлари, унинг фаол муаллифлари расмиятчилик ва самимийлик ўртасидаги олтин мувозанат посангисини топиш борасида катта тажриба, малака орттира олганларини кўриш, уларнинг ижодий эркинлиги «расмийлик» ва «самимийлик» тушунчалари орасида яшаб, шаклланиб бораётганини кузатиш қийин эмас. Бу борадаги энг сара мақолаларни ўқиганда бир нарсага иқрор бўлади киши: ҳар қандай расмий янгилик, воқеа-ҳодиса ижодкорнинг кўнгил мулкига айлансагина, у воқеалар аҳамиятини қалбан ҳис этиб, талқин ва баён этсагина унинг ёзганлари шунчалик таъсирчан, шунчалик жозибали чиқади, табиий, кўпчиликка манзур бўлади.

Газетанинг Ватанимиз мустақиллиги билан тенг ёшда эканлиги кишининг ҳавасини келтиради. Ўтган 10 йилда республика қандай ҳолатларни бошдан кечирган, қандай яшаган бўлса, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» уларнинг барига гувоҳ. Газетани Мустақиллик солномаси дейишга тўла асос бор. Чунки 10 йилдан буён ҳафтасига узлуксиз 5 мартадан чиқиб келаётган ўзбек тилидаги ягона нашр ҳам «Халқ сўзи»дир.

Газета ҳаётимизнинг энг долзарб муаммолари қатори мамлакатимиз матбуотини янада эркинлаштириш муаммоларини дадил кўтариб чиқмоқда, янги давримизнинг салоҳиятли янги журналистларини тарбиялаш мактабига айланмоқда.

Шунинг учун ҳам биз журналистлар, оммавий ахборот воситалари заҳматкашлари Республикамизнинг БОШ нашрини навқирон ва қутлуғ ёши билан самимий муборакбод этамиз! Таҳририят жамоасига, унинг кўп сонли муаллифларига соғлик, ижодий омадлар доимий ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз.



**Иброҳим РАҲИМ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси:**

— Истиқлолимиз қалдирғочи бўлиб дунёга келган, мустақиллигимизнинг жарчиси сифатида Ўзбек жамиятига ҳаққоний сўз айтаётган, озод ва обод Ватанимизни буюк келажак сари дадил ва одил чорлаётган «Халқ сўзи» ўн ёшга тўлди.

Биз бу айёмни асрий мустамлакачилик зулми занжиридан озод қилган асрнинг якуний ўн йилида, мустақил давлатчилигимиз, эркимиз, қадим қадриятларимизни қайтариб берган саховатли XX асрдан янги, буюк келажагимиз асри бўлмиш XXI аср бошида тантана қилмоқдамиз. Минг бор арзийди!

## Жамиятнинг ўткир каломи

Озод мамлакатимизнинг бу бош газетаси мана ўн йилдирки, эрксевар ўзбекларга хос, озод ва мустақил мамлакатимизга мос тилда маънавий, мафкуравий хизмат қилиб келмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча сиёсий, маданий, маънавий ҳаётига оид йўналишда, айниқса, эл-элатнинг жипслашуви, Президент билан халқ ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланишувида «Халқ сўзи»нинг мантиқий улуши бениҳоя каттадир, деб биламан.

Ички-ташқи сиёсатимиз, мамлакатимизнинг йўналишига оид барча муҳим ҳужжатларни илк бор шу «Халқ сўзи»да ўқиймиз ва юртимиз ҳаётидаги барча сифат ўзгаришларини шу газета орқали билиб турамиз.

Истакларим ҳам талайгина. Аввало, мамлакатимизнинг бош газетаси бўлгани учун унинг тиражи ҳам жуда катта бўлсин, ҳар идора, ҳар ўқув юрти, ҳар бир хонадонга албатта, «Халқ сўзи» кириб борсин, уни ўқимаган бир жон қолмасин дейман.

Сара журналистлардан ташкил топган газета таҳририяти жамоасига янада камолот тилаган ҳолда уларга ижодий изланишларда давом этиб, янги янги рукнлар кашф этиб, газетанинг ҳар саҳифасида мих материалдан тортиб, ҳаммабоп, ўқимишли хабару ҳангомалар бериб борилишини истайман. Газета саҳифаларида кўпроқ муаммоларга боғлиқ материаллар, танқидий мақолалар, фельетонлар босилиб турса. Севимли газетамиз омманинг ҳамроҳию ҳамдарди ва маънавий университетига айланишини орзу қиламан.



***Бир сўз билан айтганда, биз демократик давлат, озод ва том маънода эркин ҳаёт қурмоқчи эканмиз, бу ўзгаришларни аваламбор матбуотдан бошлашимиз даркор. Оммавий ахборот воситалари бу борада ибрат бўлиши, турли фикр ва ёндошувларнинг, мухолиф қарашларнинг ҳам майдонига айланиши лозим.***

**Ислом КАРИМОВ.**

## Ўз забони бор нашр



**Мақсуд ҚОРИЕВ,**
**«Меҳригиёҳ» газетасининг бош муҳаррири, ёзувчи:**

— «Халқ сўзи» мустақиллигимиз билан бирга туғилган газета, истиқлолимиз меваси. Ўн йилдирки, республикамизда изчил амалга ошириб келинаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маърифийислоҳотлар, олға томон ривожланишимизнинг асосий тамойиллари, маънавият масалалари газетанинг мундарижасидан муқим ўрин олиб келяпти. Қадим қадриятларимизнинг тикланиши, бу — «Халқ сўзи».

Ўн йилки, газета ўз чиқишлари, ёритаётган мавзулари, халқ дилига яқинлиги билан мустақил диёримизнинг отахон газетасига айланди. У янгиланиб бораётган жўшқин ҳаётимиз билан қадамба-қадам бораяпти. Ўз йўли, ўз забони, ўз мавзусини топди. Ўзининг халққа етказадиган сўзи бор.

Биз газета ўз саҳифаларида оддий деҳқону ишчидан тортиб, то олиму алломаларгача, шоиру фузалоларгача ўз фикрлари, ўз қарашлари билан қатнашаётган жуда кўплаб таянчларга эга эканлигини биламиз. Газета ўзининг мана шу муаллифлари билан кучли ва мазмунли, мундарижаси қизиқарли. Унинг саҳифаларида ҳозирги бозор иқтисодиётининг барча масалалари ҳам ижобий, ҳам таҳлилий тарзда акс этмоқда.

«Халқ сўзи» — халққа яқин газета. Кенг омманинг қувончи ва дарди, орзу-умидлари ва изтироблари билан яшайди. Унинг саҳифаларида ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги у ёки бу камчиликларнинг мардонавор танқидини бот-бот ўқиймиз. Ривожимизга халал бераётган иллатлар танқид остига олинади ва бундай чиқишларнинг амалий натижалари изчил эълон қилиб борилади. Истиқлолимизга фидойилик билан хизмат қилаётган замондошларимиз ҳақидаги ибратли ҳикоялар қизиқиб ўқилади.

Адабиёт ва санъатимизнинг ёрқин намояндалари — ёзувчилар, шоирлар, бошқа санъаткорлар газета саҳифаларида фаол. Уларнинг замон нафаси уфуриб турган асарлари «Халқ сўзи» саҳифалари орқали ўз ўқувчиларига етиб бормоқда. Меҳнат Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, халқ ёзувчилари Иброҳим Раҳим ва Анвар Обиджонларнинг туркум-туркум асарларини шу севимли газетамиз саҳифаларида ўқидик. Уларда бугунги мустақил ва шаҳдам одимларимиз ёрқин ифодаланаётир. Газетанинг халқчиллиги шунда. Булар «Халқ сўзи» ҳаёт нафаси билан яшаётганлигининг далилидир.

## «Халқ сўзи» — менинг газетам

**Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги раиси.**

Сарҳи (титули) чиройли, саҳифаларидан гўё ёғду ёғиб турган «Халқ сўзи» газетасининг биринчи сонини ўшанда Олий Кенгашнинг депутати ва оддий газетхон сифатида кўзга суртиб ўқиганман.

«Халқ сўзи» мустақилликка эришганимиздан бир нишона бўлиб, истиқлолимиздан дарак бергандай бўлиб дунёга келди. Айтиш мумкинки, газета фикр-мулоҳазаларни ўртага дадил ташлаши билан, газетхонни мунозарага чорловчи қуввати, теша тегмаган рукн ва сарлавҳалари билан биринчи кунда ўзининг ўқувчисини топди.

Газета, аввало, ёруғ мавзуларни, эзгулик — яхшиликларни ўз саҳифаларига олиб чиқиши ила ажралиб туришини ёқтираман. Одамлар тилининг учидан турган муаммолар, камчиликлар ҳақида ўз вақтида бонг ура билиши диққатимни тортади. Мен раислик қилаётган хўжалик Яратганнинг иродаси, Мустақиллик шарофати, одамларимизнинг фидокорона меҳнатидан кейинги ўн йилда равнақ топди. Қишлоқ хўжалигида янги тажриба, технологияларни қўллашда ўзига хос мактаб яратди. Ютуқларимизни, янгиликларимизни вақтида илғаб, ёритиб турган «Халқ сўзи»нинг шу ўринда муносиб таъсири, ҳиссаси, улуши бор. «Халқ сўзи» ҳар бир хонадонимизда — суҳбатдош. «Халқ сўзи» эзгу ишларимизда маслакдош. Дунёни тўрт бурчидан тортиб маҳалламиздаги янгиликлардан хабар бериб тургувчи жарчи. Тинчлик, эзгулик, яхшилик жарчиси, ўзимизнинг газетамиз. Менинг қадрдон газетам.

Саҳифаларидан ҳамиша ёғду ёғилиб турсин.

## Бағринг тўла воқеа

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий ҳайъати раиси.**

Ўтаётган кунларимизни «Халқ сўзи» газетасисиз тасаввур қилолмаймиз. У ҳар куни бизга ўзининг мусаффо қанотларида дунё ва мамлакат миқёсида рўй бераётган янгиликлар хабарларини олиб келади. Мамлакатимиз юраги қандай ураётгани, унинг кўпмиллионли халқи қандай нафас олаётганлиги газетанинг мунтазам, вазмин, ишонч-эътиборли сатрларида ўз аксини топади. Ўзбекистон қалбининг зарблари «Халқ сўзи»нинг ҳаққоний сўзига ҳамоҳанг. У Президент ғоялари, бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг энг муҳим воқеалари, тараққиёт йўналишлари ва улар билан боғлиқ ўртага чиқаётган турли муаммоларни қамраб олишга, уларнинг тўғри инъикосини беришга интилмоқда.

«Халқ сўзи» нима деркин? Қандай ёритаркин? Қандай талқин қиларкин? — деган умуммиллий ҳаётимизга дахлдор саволлар билан ҳар тонг бизга дўст ва муаллим бўлиб қолган, миллий ифтихоримизга айланган газетамизнинг оппоқ саҳифаларини очамиз. Унда бунёдкор Ўзбекистоннинг залворли қадамларини ҳис қиламиз.

Оқил ва жонажон йўлдошим, ўн ёшга тўлганинг муборак бўлсин! Сени ҳамиша истиқлол жарчиси деб ардоқлаймиз.

Ҳақпарварим, омон бўл!

*Мустақиллигимиз берган имконият туфайли «ахборот бозори» жудаям кенгайди, бу бозорда ҳар хил «маҳсулот» кўпайди, харидорнинг таъби эса анча нозиклашди.*

*Шундай шароитда янги газеталарнинг ўз йўли, ўз ўқувчисини топиши осон эмас. Сўнгги ўн йилда қанча янги газета дунёга келганини-ю, уларнинг кейинги тақдирини бир назардан ўтказсангиз, масала ойдинлашади.*

**Салим АШУР,**
**«Туркистон» газетаси бош муҳаррири.**

## Журналистлик ижод мактаби

Гарчанд газета учун ўн йил узоқ фурсат бўлмаса-да, «Халқ сўзи» бу муддатда бошқа газеталар бир неча ўн йиллар мобайнида тўплаши мумкин бўлган тажрибага эришди. Ўз услубини шакллантириш йўлида тинмай изланди. Миллий журналистикамиз мактабида сабоқ бўлишга арзигули малакага эга бўлди. Умуман, журналистика ҳақидаги тасаввуримизни бойитди. Бугунги кунда газетада қалами ўткир журналистлар меҳнат қилаётгани учун ҳам ундан бошқа нашрлар ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп.

«Халқ сўзи» мамлакатимизнинг етакчи газеталаридан бири. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий мафкурамиз, истиқлол кишисининг маънавиятини шакллантириш, ислоҳотлар моҳияти, умуман давлатимиз сиёсатини халқимизга тўғри етказишда, жамоатчилик фикрини уйғотишда ушбу газетанинг хизмати беқиёс. Аминмизки, газета бу масъулиятли вазифани яна бир неча ўн йиллар давомида шараф билан уддалайди ва халқимизнинг севимли нашрига айланиб қолади.

### Газета ва газетхон

## Дардимга малҳам бўлди

**Расулжон ЁҚУБОВ,**
**Янгийўл туманидаги Н. Ниёзов номли ширкатлар уюшмаси ижарачиси.**

Мана, янги аср — янги мингйилликка қадам қўйдик. Бундай кезларда хаёлингдан турли ўй-фикрлар кечади. Мустақилликдан ўргилай, бизга ўзлигимизни англатиб, эркин фаолият учун кенг йўл очди. Эндиликда ҳалол меҳнат қилган одам асло кам бўлмаслиги аниқ. Адолатли қонунларимиз тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларини кафолатли ҳимоялайди.

1998 йилда содир бўлган бир воқеани яхши эслайман. Ўшанда оиламиз билан Н. Ниёзов номли ширкатлар уюшмасидан салкам 0,5 гектар ерни ижарага олиб, кечки карам эккандик. Астойдил қилинган меҳнат ва интилиши туфайли ҳосил мўл бўлди. Ҳар карамки, қучоққа сиғмайди. Шартномадан ортиқча ҳосилни сотиб, тўй-томоша қилишни, рўзғорнинг кам-кўстини бутлашни мўлжаллаб тургандик.

Афсус, қувончимиз узоққа чўзилмади. Хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари шудгорлаш кечикаётганини рўкач қилиб, яшнаб турган карамзорга ҳайдов тракторини солиб юборди. Биз бармоқ тишлаб қолавердик. Шукрки, дунёда ҳақиқат ва адолат бор экан. Ташвишли кунларимизда «Халқ сўзи» дардимизга малҳам бўлди. Газетада чоп этилган «Деҳқон меҳнати нега тупроққа қоришди?» (1998 йил 2 декабр) сарлавҳали мақоладан сўнг ҳақ жойида қарор топди, барча сарф-харажатларимиз хўжалик ҳисобидан ундириб берилди. Оддий бир ижарачига ўз вақтида кўрсатган амалий ёрдами учун газета жамоасидан умрбод миннатдорман.

Қаламингиз янада чархланаверсин, эл-юрт хизматидан асло толманг, азизлар!

***«Халқ сўзи» ҳақ сўзли эканига ишонаман, шунинг учун ҳам ҳар тонг болалар ва ўсмирлар газетаси «Тонг юлдузи»ни тайёрлашга киришар эканман, «Халқ сўзи»ни бир варақлаб чиқаман. Давр садосини тинглайман ундан. Келажак авлодга нималар ҳақида ёзишимиз кераклигини англайман.***



## Англаш санъати

**Умида АБДУАЗИМОВА,**
**«Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири.**

Истеъдодлар ватани бўлмиш она-Ўзбекистонимиз кундан-кун ёшариб, яшнаб бораяпти. Саноат иншоотлари, равон йўллар, манзилга тез элтар кўприклар, ризқ-рўз ҳадя қилувчи далалар... Ҳамма-ҳаммаси, назаримда, юрт келажаги — ёш авлод учун аталган.

Болаларга қайғурмоқ келажакка қайғурмоқдир! Оналар ва болалар йили деб номланган 2001 йил бизга катта ваъдалар қилмоқда. Бу ваъдаларнинг индаллосида оилам тинч, ўзим тўқ ва хотиржам яшай дейдиган меҳрибон оналаримиз, ширинликлару ва ширинсўз меҳру оқибатга муштоқ болажонларнинг эзгу ниятлари мустажо. Мен «Халқ сўзи» ҳамиша янги корхоналар очилгани, гўзал бинолар бунёд этилгани, замондошларимиз ҳалол меҳнати билан унвону мукофотлар олгани ҳақида ёзаверсин, одамларимиз китобхон, театр, киноларга ўч, сайилларга ташна деб, янгиликлар, яхшиликларга чорлайверсин, дейман.

## Матонат ҳамроҳ бўлсин

**Ҳалим САИДОВ,**
**«Маърифат» газетасининг бош муҳаррири**

— «Халқ сўзи»ни кўпчилик «Отахон газета», деб атайди. Отахон деганда, одатда, узоқ умр кўрган, ҳаёт тажрибаларига бой, нуроний киши тушунилади. Ўзининг ўн йиллигини нишонлаётган ва ҳар бир сатрида юрт мустақиллигини куйлаган, унинг равнақи учун қайғурган, куйинган «Халқ сўзи» мазмунли ва ибратли чиқишлари билан ҳам «Отахон газета» ҳисобланади.

Ватан равнақи йўлида қабул қилинаётган қарорларини биз, аввало, шу нашр орқали ўқиб биламиз. Ҳуқуқий-демократик жамият қуришимизда бу газета ўзига хос устозлик вазифасини ҳам ўтамоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Ўн йиллик тўй муносабати билан таҳририят аҳлига гўзал жамият қуришдек муқаддас орзуларимизни рўёбга чиқариш жараёнидаги тўсиқларни енгиб ўтишларида матонат, бардош, жонкуярлик ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

## Муштарийлар кўнглидаги гаплар

*«Гул баҳона, дийдор ғанимат», деганларидек «Жумбоқ» баҳона муштарийларимиз 136-35-60 телефони орқали кўп ҳолларда газетамизга ўз таклиф ва истакларини ҳам билдирадилар. Бундай мулоқотларимиз бошқаларга ҳам қизиқ туюлиш, табиий.*

«Газетада кейинги пайтларда долзарб мавзудаги мақолалар кўп берилпти. Бундай мавзуларнинг «Халқ сўзи»да кўтарилиши айни муддао, деб ўйлайман. Қолаверса, таҳририят журналистларидан мавзуларга ёндошаётганда жасоратлироқ бўлишларини сўрардим».

**Маъмуржон ҲАТАМОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

* * *

«Халқ дилидаги, тилидаги гапларни топиб, илғаб газетада ёритсангиз, ишончим комилки, «Халқ сўзи» том маънода халқ сўзига айланади.

**Муҳиддин РАҲИМОВ,**
**Бухоро вилояти, Шофиркон тумани.**

* * *

«Халқ сўзи»ни ўқимаса бўладими? Ахир ҳамма янгиликлар биринчи бўлиб шу газетада босиладику. Ҳар куни газета чиқариш роса мушкул бўлса керак-а...»

**Абдуллажон ХОЛМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани.**

* * *

«Газетада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида қабул қилинган қонунларнинг дастур-китобча ҳолида берилаётгани зўр иш бўлаяпти. Улар бизнинг кундалик ишимизда асқотади. Мен айниқса газетада чиқариладиган жумбоқларга жуда қизиқаман. Қанийди, кроссвордлар ҳам бериб борилса, ишдан чарчаган пайтда мияни дам олдиришда уларнинг қанчалар фойда эканини ўзларингиз ҳам билсангиз керак...»

**Хондамир АСОМИДДИНОВ,**
**Яккасарой тумани.**

* * *

«Сўх»га газета жуда кечикиб келади. Бўлмаса биз ҳам бошқалар каби жумбоқнинг жавобини вақтлироқ айтган бўлардик. Номи газетада чиқишини ким ҳам истамайди, дейсиз. На илож....»

**Аъзамхўжа УМРЗОҚОВ,**
**Фарғона вилояти, Сўх тумани.**

## Мен «Халқ сўзи»ни саҳифалаганман

**Нарзулла ҲАМРОЕВ,**
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси газеталарни саҳифалаш цехи бошлиғи.**

Мен «Халқ сўзи» газетасининг илк сонини саҳифалаш бахтига муяссар бўлганман. Мамлакатимизнинг бош нашрида бундай вазифани бажариш, албатта, катта масъулиятни ҳам талаб қиларди. Биз таҳририят жамоаси билан бу ишнинг уддасидан чиқдик. Юртимизнинг аҳолиси қатори мен ҳам ушбу газета ташкил қилингани билан қувонган ва ундан кўп нарса кутган эдим. Мана, орадан ўн йил ўтди. Қувонч билан айтиш мумкинки, газета халқимизнинг севимли нашрига айланди. Мазмунан бой, ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юксак, долзарб муаммолар кўтарилиб чиқаётган мақолаларни одамлар мамнуният билан ўқишмоқда. Мен бир умр «Халқ сўзи»ни саҳифалаганман, деб фахрланиб юраман.

● Ташаббус сўнмасин

# Корейсларнинг ўзбеги

Ким Кван Жун корейс йигити. Пастдарғомда уни Каримжон деб аташади. Ҳа, бағри кенг ўзбек халқи билан оға-инидек яшаётган Ким Кван Жунга бу исм муносиб. Каримжон саховатпеша, қўли очиқ инсон. У ҳамиша маҳаллий халққа яхшилик қилиш илинжида яшайди. Унинг мана бу гапларида муболаға йўқ: «Янги тонгни қарши олар эканман, Президентимиз Ислом Каримовнинг савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак, деган ҳикматли сўзларини эслайман...»

Мусиқага ихлосманд ёшларни рағбатлантириш ва шу билан бирга туман ҳудудидаги кам таъминланган оилалар, маҳаллалар, мактаб, боғча, касалхоналарга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишни ният қилган Ким Кван Жун 1997 йилда Пастдарғом туман маркази — Жума шаҳрида «Шарон» иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этди.

Яхши ният — ярим мол, деб бежиз айтмайдилар. Каримжоннинг нияти холис экан. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

— «Шарон» жамғармасининг раҳбари билим даргоҳимизни таъмирлаш учун

«Беғараз ёрдам кўрсатиш» дафтаридан нафақат аризаларни, шунингдек, одамлардан келган раҳматномаларни ҳам ўқиш мумкин. Уларда боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ободонлаштириш, байрамларга совға тайёрлаш ва турли зиёратлар уюштириш борасида кўрсатилган ёрдамлар учун миннатдорчилик изҳор қилинади.

Биз бу олийжаноб инсоннинг оиласи билан ҳам танишдик. Ким Кван Жун рафиқаси Ли Хва Сук билан уч нафар фарзандни тарбиялаяпти. Каримжон кўнгилнинг одами. Буни нафақат унинг иш фаолиятидан, балки фарзандлари тарбиясидан ҳам билса бўлади. Бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, ҳали ўн ёшга тўлиб улгурмаган тўнғич қиз Истр скрипкада бир дилрабо куй чалиб, қалбларимизни сел қилди. Ўртанча қиз Шароннинг ўзбекча шеърларини эшитиб, бу оиланинг ўзбек халқимизни ва она тилимизни ҳурмат қилишига гувоҳ бўлдик.

Каримжоннинг кенжатойи Сусана ўйнаб ўсаётган мана шу хонадонни у иш жараёнида

— Қурилишни 1996 йилда бошлагандик, — дейди Ким Кван Жун. — Ҳозиргача кичик концерт зали, синфхоналар, ҳар бир талаба билан машғулот ўтказиладиган алоҳида хоналар, ошхона ва бошқа ёрдамчи биноларда барча ишлар ниҳоясига етди. Катта концерт залини пардозлаш ҳам яқин кунларда тугалланади.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг эксперт комиссияси ниҳоясига етиб қолган қурилиш ишларини кўздан кечириб чиқаркан, умуман, Пастдарғомдаги «Шарон» иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг бугунги фаолиятига муносиб баҳо берди. Яъни жамғарма томонидан қилинаётган хайрли ишлар, моҳият эътибори билан Президентимиз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларнинг ривожига хизмат қилиши эътироф этилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Пастдарғомдаги мазкур санъат мактаби Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига жавобан ташкил этилмоқда.

Комиссия ўз хулосасида санъат мактабини очиш учун Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда Маданият ишлари вазирлигининг ташкилий масалаларда ёрдами зарурлигини кўрсатган.

Ўзбекистонда қуйидан бошланган ташаббуслар доимий равишда қўллаб-қувватланаяпти.





350 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратиб берди, биз жамғарма фаолиятидан жуда миннатдормиз — дейди Жума шаҳридаги 21-ўрта мактаб директори Алевтина Ҳошимова.

Жамғармада юритилган «Беғараз ёрдам кўрсатиш» дафтарида маҳалла, қишлоқ ҳамда турли муассасалардан келган ариза ва илтимосномалар анчагина. Қувонарли томони шундаки, Каримжон уларни эътиборсиз қолдирмайди. Жума шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги қийинчиликлар мазкур аризалардан бирида баён қилинган эди. Кўп ўтмай бу жиддий муаммо ҳам «Шарон» жамғармасининг ташаббуси билан бартараф этилди.

қурдираётган катта-кичик бинолар, хусусан, санъат мактаби ташкил этиш орзусида барпо этган гўзал ва шинам иморатлар билан таққослашга уриниш ортиқча. Очиғи, уларнинг турмуш тарзи бошқаларникидан фарқ қилмайди. Чоғроққина ҳовли. Хоналар оддий, аммо ҳамма жиҳозлар дид билан жой-жойига қўйилган.

Бўлғуси санъат мактабида эса манзара бутунлай ўзгача: гўзал иншоотларнинг сурату сийрати бир-бирини такрорламайди.

— Жамғармамиз мақсади бундан буён ҳам саховатпешалик ишларида фаол қатнашиш, Ўзбекистон мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилиш. Қолаверса, ўзбек-корейс миллатлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, шубҳасиз, менинг қалбимни чароғон айлайди, — дейди Ким Кван Жун.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Таътил мароқли ўтади

Фарғона туман ҳокимлигида Оналар ва болалар йилига бағишланган дастлабки тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва жорий этила бошлади. Унга биноан тумандаги кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари қишки таътилни мароқли ўтказадиган бўлди. 160 нафар ўқувчи ёшлар мураббийлари ҳамроҳлигида сўлим Шоҳимардон қишлоғида жойлашган соғломлаштириш масканида ҳордиқ чиқаришади, турли маданий ва маърифий тадбирларда иштирок этиш билан бирга малакали врачлар назоратида ўз саломатликларини тиклаб қайтишади.

**Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.**

# Меҳр-муҳаббат байрами





Юртимизда бирон айём йўққи, унда меҳр-муҳаббат устувор бўлмаса. Куни кеча Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан уюштирилган арча байрамида ҳам шундай бўлди. Унга қишлоқдаги ночор ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг кичкинтойлари таклиф этилди. Қизиқарлиси, бу байрамнинг Қорбобо ва Қорқизлари кўп бўлди. Зукко болажонлар арча атрофида бурро-бурро тилда шеърлар айтдилар, завқ-шавқ билан рақсга тушдилар. Қишлоқ бадиий ҳаваскорлари байрам қатнашчиларини ўз санъатларидан баҳраманд этдилар.

— Қишлоғимизда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Илҳом Жўраев, — бундай байрамларни ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Ҳар йили 400 дан ортиқ кичкинтойга байрам совғалари улашмоқдамиз. Бу тадбирни уюштиришда фермерларимиз яқиндан ёрдам беришаётир.

## ҲИКМАТ

*Саҳий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер.*

## Жумбоқ

***Бир куни кечқурун катта йўлда автобус бузилибди, 38 нафар йўловчи аро йўлда қолибди. Шу йўлдан ўтиб кетаётган ҳайдовчи уларни яқин орадаги бекатгача элтишни таклиф қилибди, фақат у бирданига 4 нафар йўловчини олиши мумкин. Айтингчи, ҳайдовчи неча бор қатнашига тўғри келади?***

* * *

Ўтган сондаги жумбоқнинг жавоби: **10, 11, 12, 1, 2, 3. Бу ҳақда биринчи бўлиб тошкентлик Ҳусанжон Раҳматуллаев билан гулистонлик Адҳамжон Исомов 136-35-60 телефонига хабар беришди.**




Хурматли жаноблар!

«САНОАТКАРТОНСАВДО» ОТАЖ

гофрояшчиклар, 3 ва 5 қатламли гофрокартонлар, картон ва қоғозлар, 3-4 миллиметр қалинликдаги қоғоз толали плиталар, сирти ғадир-будир қистирмалар(тухумни ташиш ва сақлаш учун флейкалар), қалинлиги 8 миллиметрдан 2 миллиметргача бўлган муқовабоп картонларни етказиб бериш бўйича

2001 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМА ТУЗАДИ.

Нархи шартнома асосида, юкни етказиб бериш ҳажмига боғлиқ.



Юкни жўнатиш олувчи ёки етказиб берувчининг автотранспорти, шунингдек, темир йўл транспорти орқали амалга оширилиши мумкин.

Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг:

**Тошкентда:** (3712) 41-81-24, факс (371) 144-10-78;
**Самарқандда:** (3662) 35-42-41;
**Ангренда:** (37166) 2-66-51.

3551



ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар сиз

- *2001 йилнинг ёзида АҚШда бўлиб ўтадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни,*
- *Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, ксерокс машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсликлари, кассеталар) ютиб чиқишни,*
- *Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни, яъни*

"ЎҚИТИШДАГИ АЪЛОЧИЛИК МУКОФОТИ" ДАСТУРИ

**қатнашчиси бўлишни истасангиз,**

у ҳолда АКСЕЛСнинг қуйидаги шаҳарларда жойлашган офисларидан анкета олиб тезда тўлдиришингиз ва **2001 йил 15 январигача** топширишингиз керак.

***700031, Тошкент ш., Конституция кўч., 68. Тел:(371) 152-12-81; 152-12-86***
*742000, Нукус ш., Сараев кўч. 1, 2-қават (361) 222-89-57, 222-88-67*
*703000, Самарқанд ш., Университет кўч., 15, СамДУ, (3662) 31-18-16*
*705018, Бухоро ш., Эшоний Пир кўч., 2. (36522) 4-22-46*
*716000, Наманган ш., А. Хўжаев кўч., 54, НДУ (36922) 6-27-50*

ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

- *Инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;*
- *Ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс бераётган бўлиш;*
- *Кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш ниятига эга бўлиш;*
- *Камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш.*

**Ушбу дастур АҚШ Давлат Департаменти томонидан ҳомийлик қилинади ва Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг Маданият ва таълимот бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилади.**

3686


***«IPAK YO'LI — IMPEKS» ёпиқ акциядорлик жамияти 2000 йил 26 декабрда Адлия вазирлиги томонидан қайта давлат рўйхатидан ўтказилиб, очиқ акциядорлик жамиятига ўзгартирилди.***


"СУВЖИҲОЗГАЗ"

**Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси тежамкорликни бугунги куннинг асосий шиори деб билган хўжаликлар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ўз маҳсулотларини тавсия қилади**

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган газ ва сув ўлчагич асбоблари Ўзбекистон давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

Улардаги: — юқори сезгирлик;
— узоқ муддат хизмат қилиш;
— аниқ ўлчаш;
— газни ташқарига чиқармаслик;
— бежирим ташқи кўриниш;
— арзон нарх

каби афзалликлар юқори сифатдан далолат.

"Сувжиҳозгаз" харид қилинган асбобларнинг икки йил давомида бузилмасдан ишлашига кафолат беради ҳамда шу давр мобайнида носозликлар чиқиб қолса, бепул таъмирлаб беради.

Сизнинг тежамкорлигингиз – келажакка мадад!



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй.
Тел.: 117-15-42, 117-15-54, 117-15-56.



3511



«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ДУ-20 мм, ДУ-25 мм, ДУ-32 мм, ДУ-50 мм, ф 76х3,5 мм диаметрли трубалар ишлаб чиқаради ва савдо қилади.

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР.

Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 144-38-18.

3616


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар бошқармасининг Хўжалик бошқармаси бошлиғи Абдураҳим Каримович Умаровга оталари

**Карим ота УМАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси «Тўйтепа металл қурилмалари заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг раиси Омонулла Исломовга отаси

**Шариат ИСЛОМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзавтотранс» корпорацияси бошқарув раёсати ва девон жамоа аъзолари «8-автосозлаш заводи» акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси

**В. М. ЛИПАТОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 30797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.20*
1 2 3 4 5 6